

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»



“Ўзнефтмаҳсулот” АК Бошқаруви  
Қабулхонаси ўринбосари

К. Усмонов

йил « 16 » март

### **www.upm.uz сайтидаги “Ўзнефтмаҳсулот” АК виртуал қабулхонаси - Давлат хизмати регламенти**

#### **1. Хизмат (паспорти) баёни.**

##### 1.1. Хизмат номи:

*“Ўзнефтмаҳсулот” АК виртуал қабулхонаси.*

##### 1.2. Хизмат натижаси:

*“Ўзнефтмаҳсулот” АК виртуал қабулхонасига юборилган мурожаатларни кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиш.*

##### 1.3. Хуқуқий асослар:

*Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги ЎРҚ-378-сонли Қонуни;*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 181-сонли қарори;*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 355-сонли қарори.*

##### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар:

*Юридик ва жисмоний шахслар.*

#### **2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот бериш.**

##### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми:

*Мурожаатларга асосланган жавоблар.*

## 2.2. Кенг кўламда маълумот бериш:

*www.unt.uz сайтида “Ўзнефтмахсулот” АК виртуал қабулхонасига мурожаат юбориш.*

## 3. Хизмат кўрсатиш.

### 3.1. Иш вақти:

*Доимий.*

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

### 4.1. Керакли ҳужжатлар:

*Талаб қилинмайди.*

### 4.2. Хизмат нархи:

*Бепул.*

### 4.3. “Ўзнефтмахсулот” АК виртуал қабулхонасига мурожаат юбориш тартиби:

- *Интернет тармоғига уланиш;*
- *www.unt.uz сайтига кириш;*
- *“Хизматлар” → “Виртуал қабулхона” менюсини очиш;*
- *“Ф.И.Ш.” ни киритиш;*
- *“Худуд” ни танлаш;*
- *“Туман (шаҳар)” ни танлаш;*
- *“Манзил” ни киритиш;*
- *“Электрон почта” ни киритиш;*
- *“Телефон рақами” ни киритиш;*
- *“Субъект тури” ни танлаш;*
- *“Жинси” ни танлаш*
- *“Тугилган йилингиз” ни танлаш*
- *“Мақом” ни танлаш;*
- *“Махфийлиги” ни танлаш;*
- *“Файлни танланг” да “обзор” тугмачаси орқали файлни танлаш;*
- *“Мурожаат матни” ни киритиш;*
- *“Текширув коди” ни киритиш;*
- *“Оммавий оферта билан танишдим” ни белгилаш;*
- *“Жўнатиш” тугмачасини босиш.*

